



“ 28 ” май 2020 у № 15

**Фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш ва иқтисодий параметрларини  
акс эттирувчи давлат иштирокидаги корхоналар паспортларининг  
намунавий шаклини тўлдириш тартибини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, давлат статистика тизимидаги услубий қўлланмаларни халқаро статистика амалиётини инобатга олган ҳолда янада такомиллаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. “Фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш ва иқтисодий параметрларини акс эттирувчи давлат иштирокидаги корхоналар паспортларининг намунавий шаклини тўлдириш тартиби” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат статистика қўмитасининг 2015 йил 26 февралда тасдиқланган “Саноат ва қурилиш корхоналари фаолияти хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда корхона паспортининг намунавий шаклини тўлдириш методологияси” ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор тасдиқланган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. Бегалов

Раиснинг биринчи ўринбосари	Б.Мирусманов
Раиснинг иқтисодий статистика бўйича ўринбосари	А.Икрамов
Раиснинг ижтимоий статистика бўйича ўринбосари	М.Зиядуллаев
Раиснинг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўйича ўринбосари	З.Зияев
Ишбилармонлик муҳити кузатувлари тадбиркорликни ривожлантириш статистикаси бошқармаси	М.Сатимов
Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси	Д.Закиров
Инвестициялар ва қурилиш статистикаси бошқармаси	М.Жомолов
Ташки иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бошқармаси	Б.Иргашев
Саноат статистикаси бошқармаси	С.Жураев
Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бошқармаси	Ш.Ғуломов
Демография ва меҳнат статистикаси бошқармаси	Қ.Бердикулов
Хизматлар соҳаси статистикаси бошқармаси	А.Умаров
Статистик регистрларни юритиш ва тизимли хизмат кўрсатиш бошқармаси	Н.Шералиев
Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва интерактив давлат хизматлари бошқармаси	Ш.Одилов
Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси	Ф.Бердибаев
Юридик бўлими	Қ.Мусаев

\*Q-0074

**Фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш ва иқтисодий  
параметрларини акс эттирувчи давлат иштирокидаги  
корхоналар паспортларининг намунавий шаклини тўлдириш**

**ТАРТИБИ**

Фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш ва иқтисодий параметрларини акс эттирувчи давлат иштирокидаги корхоналар паспортларининг Намунавий шаклини (кейинги ўринларда-корхона паспорти) тўлдириш тартиби (кейинги ўринларда-Тартиб) тавсиявий характерга эга бўлиб, давлат иштирокидаги корхоналар томонидан корхона паспортини тўлдириш ва тақдим этишда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Давлат иштирокидаги корхоналар паспортларининг тўғри ва тўлиқ тўлдирилиши, улар фаолиятининг асосий иқтисодий параметрларини тўлиқ акс эттирилишини таъминлайди ва молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш учун кенг имконият яратади.

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Тартибда қуйидаги таърифлардан фойдаланилади:

**давлат иштирокидаги корхоналар** - устав фондида (капиталида) давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар;

**корхона паспорти** – корхоналар фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш ва иқтисодий параметрларини ўз ичига олган, давлат ва хўжалик бошқарув органлари, шунингдек уларнинг таркибига кирмайдиган корхоналарнинг расмий сайтларида жойлаштирилган ва давлат статистика органларига Интернет тармоғи орқали тақдим этилган намунавий электрон шакл.

2. “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш учун маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисида Низом” (Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1013-сон қарорининг 1-иловаси)га мувофиқ, фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш ва иқтисодий параметрларини акс эттирувчи давлат иштирокидаги

корхоналар паспортларининг намунавий шакли устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда - корхоналар) томонидан расмийлаштирилади ва ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига белгиланган муддатларда тақдим этилади.

Корхонанинг юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида бўлинмалари мавжуд бўлган ҳолларда, корхона паспорти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча алоҳида бўлинмаларининг маълумотларини ҳисобга олган ҳолда тўлдирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, корхоналар паспортининг намунавий шаклини тўлдириш ва тақдим этишни ташкил қилиш мақсадида, ҳар йили:

а) Давлат рақобат қўмитасидан олинган корхоналарнинг дастлабки рўйхатини (кейинги ўринларда - Рўйхат) ўзининг расмий сайтига жойлаштиради;

б) давлат ва хўжалик бошқарув органларидан Рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар келиб тушганда, зарур ҳолларда ўзгартиришлар киритади ва 15 мартдан кечиктирмай расмий сайтга аниқлик киритилган рўйхатни жойлаштиради;

в) ҳар йили 15 мартдан 2 апрелгача корхоналарга, расмий сайтидаги корхона паспортини тўлдириш ва тақдим этиш бўйича дастурий-техник воситалардан фойдаланиш имконини беради;

г) корхона паспорти тақдим этилмаган ёки корхона паспортидаги маълумотлар статистика органларига тақдим этилган давлат статистика ҳисоботи маълумотларидан фарқ қилган ҳолда, 20 апрелдан кечиктирмай тегишли чоралар кўриш учун давлат ва хўжалик бошқарув органларини, бошқарув органлари тизимига кирмайдиган корхоналар бўйича эса тегишли ҳудуд ҳокимиятини бу ҳақда хабардор қилади.

4. Давлат статистика қўмитаси, ҳар йили 10 майгача корхоналар паспортининг асосий параметрлари динамикаси тўғрисидаги даврий маълумотларни шакллантиради ва уни ваколатли давлат органларига кейинги таҳлилий ишлар учун тақдим этади.

## **II. Корхона паспортининг идентификацион ва умумиктисодий кўрсаткичларини тўлдириш тартиби бўйича тавсиялар**

5. Корхона паспортининг намунавий шаклини тўлдиришда “Корхона номи” сатрида юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ давлат

тилидаги номи кўрсатилади (қисқа номи мавжуд бўлса, қисқа номи кўрсатилади).

6. “Идентификациялаштириш коди” сатрида қуйидаги кодлар кўрсатилади:

КТУТ – давлат статистика органларида автоматлаштирилган ҳисобга қўйишда рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан юридик шахсга бериладиган юридик шахснинг асосий коди;

СТИР – солиқ тўловчининг идентификация коди;

ИФУТ – иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичига мувофиқ асосий фаолият (паспортни тўлдириш (ўзгартириш)дан олдинги йил давомида устунлик қилган фаолият) тури коди.

7. “Идоравий мансублиги” сатрида тизимига ушбу корхона кирган республика давлат ва хўжалик бошқарув органининг қисқа номи кўрсатилади.

8. “Ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (АЖ, МЧЖ, ДУК)” сатри Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2014 йил 3 сентябрдаги 05-568-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ташкилий-ҳуқуқий шакллар умумдавлат таснифлагичи асосида аниқланади.

9. “Корхона раҳбари (Ф.И.Ш.)” сатрида корхона паспортни тўлдириш (ўзгартириш) вақтидаги корхона раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми тўлиқ кўрсатилади.

10. “Корхонанинг почта манзили” сатрида шахсан мурожаат қилиш (ташриф буюриш) ёки почта корреспонденциясини жўнатиш мумкин бўлган, бош офис жойлашган тўлиқ манзил кўрсатилади.

11. “Телефон” сатрида зарур ҳолларда корхона вакили билан боғланиш мумкин бўлган алоқа рақами (халқаро форматдаги стационар ёки уяли) кўрсатилади.

12. “Электрон манзил” сатрида манфаатдор шахслар томонидан корхонага хабар юборишда фойдаланиш мумкин бўлган электрон манзил кўрсатилади.

13. “Веб-сайт” сатрида корхона тўғрисидаги маълумотлар билан танишиш мумкин бўлган Интернет-ресурс манзили кўрсатилади. Корхонанинг ўз веб-сайти бўлмаса корхона тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган бошқарув органининг расмий сайти манзилни кўрсатиш мумкин.

14. “Давлат рўйхатидан ўтказилган сана” сатрида юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномадаги сана кўрсатилади.

15. “Хизмат кўрсатувчи банк” сатрида паспорт тўлдирилган (ўзгартирилган) вақтда корхона очиқ ҳисоб рақамига эга бўлган хизмат кўрсатувчи банкнинг қисқа номи кўрсатилади.

16. “Устав фонди (устав капитали) миқдори” сатрида таъсис ҳужжатларида ўрнатилган тартибда рўйхатга олинган охириги ўзгартиришлар млн.сўмда кўрсатилади.

17. “Таъсисчилар ва уларнинг устав фондидаги (устав капитали) улуши” сатрида таъсисчи – юридик шахсларнинг тўлиқ ёки қисқа номлари ва/ёки умумий устав фондида энг катта улушга эга жисмоний шахсларнинг фамилияси ва исми шарифи кўрсатилади (бештагача таъсисчи).

18. “Ер майдони”, “Ишлаб чиқариш майдони” ва “Маъмурий бинс” сатрларида маълумотлар ер кадастри ҳужжатларига асосан ижарага берилган ер майдонлари, шунингдек, корхона томонидан бир йилдан ортиқ муддатга ижарага олинган майдонларни қўшган ҳолда кўрсатилади.

Кўп қаватли маъмурий бинолар остидаги майдон тўғрисидаги маълумотларни тўлдиришда барча қаватларнинг умумий майдони кўрсатилади, ишлаб чиқариш объектлари эгаллаган майдонга барча цехлар, омборлар, гаражлар ва ҳ.к.ларнинг умумий майдони киради.

19. “Молиявий натижа” сатрида корхона паспортини тўлдириш (ўзгартириш)дан олдинги йилдаги бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан (масалан, паспорт 2021 йилда тўлдирилса, 2020 йил маълумотлари олинади) фойда солиғини тўлашдан аввалги фойда (зарар) кўрсатилади.

20. “Ўртача ишчилар сони” сатрида ходимларнинг ўртача йиллик сони тўғрисидаги маълумотлар тадбиркорлик субъектларининг ўртача ишчилар сонини аниқлаш Низоми талабига асосан аниқланади (Давлат статистика қўмитасининг 17.01.2017 й. 1-мб сонли ва Меҳнат вазирлигининг 3-к/к сонли қарорига илова (рег. №2858 17.02.2017 й.)

Бунда, рўйхатдаги ходимлар сони бутун бирлик сифатида – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 11, 83, 102, 119, 150, 159, 160, 165, 229, 236, 242, 254-моддаларида кўрсатилган, шунингдек, меҳнат тўғрисидаги қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатларда кўзда тутилган бошқа ҳолларда киритилади.

21. Ходимларни “Маъмурий ходимлар” кўрсаткичига киритиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2003 йил 22 сентябрдаги 58 ва 116-сон

қарори (рўйхат рақами 1288, 9.12.2003й.) билан тасдиқланган “Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари лавозим номенклатураси”га мувофиқ амалга оширилади.

“Ишлаб чиқаришда қатнашувчи ходимлар” кўрсаткичи ходимларнинг ўртача сонидан маъмурий ходимларнинг ўртача сонини айириш йўли билан аниқланади.

22. “Ҳисобланган ўртача номинал иш ҳақи” сатри ходимларга ҳисобланган иш ҳақи фонди тўғрисидаги маълумотларни ўртача иш ҳақини ҳисоблаш учун қабул қилинган ходимлар сонига ва ўн иккига бўлиш орқали (ташкилот тўлиқ йил ишламаган тақдирда ҳам) аниқланади.

Иш ҳақи фондига ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоб амалга оширилган тўлов ҳужжатларига асосан тўлов учун ҳисобланган пул маблағлари киритилади. Иш ҳақи фонди Солиқ кодексининг 371, 372, 373, 374-моддаларига асосан аниқланади. Бунда, кўрсатилган миқдорлар қонунчиликка мувофиқ солиқ ва бошқа чегирмаларсиз келтирилади.

23. Мазкур Тартибнинг 5-8, 10-12, 14, 16-17 бандларида кўрсатилган маълумотлар статистика органлари томонидан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри (кейинги ўринларда КТЯДР) маълумотлари билан таққосланади.

Умумиқтисодий кўрсаткичлар ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари йиллик давлат статистика ҳисоботлари маълумотлари билан таққосланади.

Корхона паспорти маълумотлари билан КТЯДР ёки йиллик давлат статистика ҳисоботлари маълумотлари ўртасида фарқ мавжуд бўлса, унинг сабаблари корхонага электрон сўров юбориш йўли билан аниқланади.

### **III. Корхона паспортида асосий ишлаб чиқариш ва иқтисодий параметрларини акс эттирувчи алоҳида кўрсаткичларни тўлдириш хусусиятлари**

24. “Ҳисобот даври бошидаги ишлаб чиқариш қуввати (маҳсулот турлари бўйича)” сатрида корхона паспортини тўлдиришдан (ўзгартиришдан) олдинги йилнинг 1 январь ҳолатига ишлаб чиқариш ускуналарини тўлиқ ишлатилганда максимал мумкин бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсатилади. Бунда, мавжуд бўлган барча қувватлар, жумладан, ижарага берилган ёки мазкур корхонада ишлатиладиган саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш учун мўлжалланган қувватлар кўрсатилади.

Маҳсулот турлари бўйича қувватлар тўғрисидаги маълумотлар Давлат статистика қўмитаси томонидан ушбу Тартибнинг 1-иловасига мувофиқ шакллантирилган “Паспортларни тўлдириш учун таклиф этилаётган саноат маҳсулотлари номенклатураси”дан (кейинги ўринларда Номенклатура) фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ўлчов бирликларида тўлдирилади.

Номенклатурани шакллантиришда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2015 йил 19 январдаги 05-612-сон қарори билан тасдиқланган ва амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичидаги маҳсулот номлари ва кодларидан фойдаланилади.

Ўзлаштириш жараёнидаги қувватлар бўйича маҳсулотларнинг аниқ турини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳадаги қуввати кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблашда асосий ишлаб чиқаришда қатнашувчи барча ускуналар ҳамда ёрдамчи цехлар ва участкаларда жойлаштирилган асосий цехлардагига айнан ўхшаш ускуналар киритилади. Технологик жиҳатдан зарур захирадаги ускуналар, бир-иккита тажриба намуналари ишлаб чиқарувчи тажриба-экспериментал ишлаб чиқаришлар ва участкалардаги ускуналар, касбий-техник ўқитиш учун мўлжалланган ихтисослаштирилган участкалардаги ускуналар киритилмайди.

Шунингдек, ишлаб чиқариш қувватини ҳисоблашда бузилганлиги, таъмирланаётгани, модернизация қилинаётгани, етарли иш билан таъминланмагани сабабли вақтинча ишлатилмаётган ускуналар ҳам ҳисобга олинади.

25. “Ошган қувват (турлари бўйича)” сатрида янги қувватларни ишга тушириш, амалдаги қувватларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, техник қайта жиҳозлаш, шунингдек, корхона паспортини тўлдиришдан (ўзгартириш)дан олдинги йилда амалга оширилган ташкилий-техник тадбирлар ҳисобига ишлаб чиқариш қувватларининг оширилиши кўрсатилади.

26. “Ҳисобот даври охиридаги ишлаб чиқариш қуввати (маҳсулот турлари бўйича)” сатрида корхона паспортни тўлдиришдан (ўзгартиришдан) олдинги йилнинг 31 декабрь ҳолатига ишлаб чиқариш ускуналарини тўлиқ ишлатганда максимал мумкин бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш турлари бўйича кўрсатилади.



27. “Технологик иш вақти (узлукли/узлуксиз)” сатрида агар, устунлик қилувчи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича технологик жараённинг режадан ташқари тўхтаб қолиши маҳсулот ва ускуналарнинг бузилишига олиб келса, шунингдек, қайта тиклаш ишларини амалга оширишни талаб қилса (масалан, эритиш печлари ишини) “узлуксиз” сўзи кўрсатилади, агар, жараёни ишлаб чиқариш учун зарарсиз ҳолда исталган вақтда тўхтатиш мумкин бўлса “узлукли” сўзи кўрсатилади.

28. “Ўртача ишлаб чиқариш қуввати (маҳсулот турлари бўйича)” сатрида йил бошига ишлаб чиқариш қуввати ва ўртача йиллик оширилган қувват йиғиндисидан ўртача йиллик камайган қувватни айтириш йўли билан аниқланувчи қиймат кўрсатилади.

Ўртача йиллик оширилган қувват – қувват ўсишининг қайд этилган омилларининг ҳар бири бўйича қувватнинг ўсишини йил охиригача қувватнинг амал қилган тўлиқ ойлар сонига кўпайтириб, олинган натижани ўн иккига бўлиш орқали ҳисобланади.

Ўртача йиллик камайган қувват – чиқиб кетган қувватларни чиқиб кетган вақтидан бошлаб йил охиригача бўлган тўлиқ ойлар сонига кўпайтириб, олинган натижани ўн иккига бўлиш орқали ҳисобланади.

29. “Сменалиликнинг ўртача коэффиценти” сатрида маълум бир вақтда ҳар бир бирлик ускуна томонидан ишланган сменалар сонини таърифловчи ўртача кўрсаткич кўрсатилади.

Мазкур коэффицент барча сменаларда ишланган станок-смена (машина-смена)лар сонини ўрнатилган ускуна бирликлари сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

30. “Асосий ишлаб чиқаришдаги машина ва асбоб-ускуналарнинг ёш таркиби (ускунанинг ишлаб чиқарилган йилидан келиб чиққан ҳолда)” кўрсаткичи йил охирига бошланғич нархларда, ишлаб чиқариш фаолияти бўйича машиналар ва ускуналарнинг умумий қийматига нисбатан фоизларда кўрсатилади.

31. “Асосий ишлаб чиқаришдаги машина ва ускуналарнинг эскириш даражаси (ускунанинг ишлаб чиқарилган йилидан келиб чиққан ҳолда)” кўрсаткичи йил охирига йиғилган эскириш қийматининг йил охирига ишлаб чиқариш фаолияти бўйича машиналар ва ускуналарнинг бошланғич қийматига нисбати сифатида ҳисобланади.

32. “Ишлаб чиқариш ҳажми (жами ва маҳсулот турлари бўйича)” сатрида корхона паспортини тўлдиришдан олдинги йилда корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг тўлиқ ҳажми амалдаги

нархларда (қайта ишланган буюртмачи томонидан берилган хом ашё қийматини ҳисобга олмасдан) кўрсатилади. Бунга қуйидагилар киради:

ўз хом ашёси ва материалларидан, ҳамда буюртмачининг хом ашё ва материалларидан кўрсатилган давр ичида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот;

шу давр ичида четга, ўз капитал қурилишига ва ўз ташкилотининг носаноат бўлинмаларига чиқарилган ўзида ишлаб чиқарилган ярим фабрикатлар;

кўрсатилган давр ичида ишлаб чиқарилиши тугалланмаган, узоқ ишлаб чиқариш циклига эга маҳсулотлар (буюмлар)ни тайёрлаш бўйича ишлар;

ташки буюртмалар бўйича, ўз капитал қурилиши ва ўз ташкилотининг носаноат бўлинмалари учун бажарилган саноат тусидаги ишлар (хизматлар), шунингдек, ўз ускуналарини модернизациялаш ва реконструкция қилиш бўйича ишлар.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг асосий турлари тўғрисидаги маълумотлар, Номенклатурадаги номлар ва кодлардан фойдаланган ҳолда, унда кўрсатилган ўлчов бирликларида тўлдирилади.

33. “Қувватлардан фойдаланиш даражаси (маҳсулот турлари бўйича)” кўрсаткичи ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича ўртача йиллик ишлаб чиқариш қувватига бўлгандан ҳосил бўлган бўлинманинг 100% га кўпайтмаси сифатида аниқланади.

34. “Сотиш ҳажми” сатрида бухгалтерия ҳисоби маълумотларига мувофиқ саноат маҳсулотлари ҳамда саноат характеридаги товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан тушган соф тушум тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

35. “Сотилган маҳсулот таннархи” сатрида сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи суммаси акс эттирилади.

36. “Сифат менежмент сертификати мавжудлиги (код, рақам)” сатрида сифат менежменти тизимини жорий қилган ҳамда халқаро ва давлат стандартлари асосида белгиланган процедуралардан ўтган корхоналар олинган сертификатнинг коди ва рақамини кўрсатадилар.

37. “Экспорт ҳажми” сатрида корхона томонидан ишлаб чиқарилган ва йил давомида экспорт қилинган маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) шу жумладан, норезидентларга чет эл валютасида сотилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси чегарасини кесиб ўтмаган товарлар (ишлар, хизматлар) кўрсатилади.

38. “Ҳисобот даври охиридаги тайёр маҳсулот қолдиғи” сатрида тайёр маҳсулот омборларида ёки бошқа сақлаш жойларида мавжуд бўлган

корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг қиймати ҳисобот даври охиридаги амалдаги нархларда (КҚС ва акцизсиз) кўрсатилади.

39. “Сарф қилинган энергоресурслар” сатрида корхона томонидан йил давомида фойдаланилган ёқилғи ва энергия, жумладан ишлаб чиқариш-эксплуатация, қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги, маданий-маиший ва бошқа эҳтиёжларга қилинган харажатлар тўғрисидаги амалдаги маълумотлар кўрсатилади.

Харажатлар кўрсаткичига шунингдек, ишлаб чиқариш-технологик йўқотишлар (ёқилғини технологик жараёнда бевосита ишлатиш ёки бошқа турдаги ёқилғи ва энергияга айлантириш билан боғлиқ) ва тегишли актлар билан расмийлаштирилган истеъмолчиларнинг ёқилғини сақлаш ва транспортировка қилишдаги йўқотишлари ва камомадлари киритилади.

Харажатлар кўрсаткичига, бошқа корхоналар ва аҳолига узатилган (сотилган), тегишли ҳужжатлар расмийлаштирмасдан ташқаридан олинган ёқилғи ёки энергия ҳажми, сотиш учун мўлжалланган ёқилғи ва энергиядаги йўқотишлар ва камомадлар киритилмайди.

40. “Сўнгги энергоаудит ўтказилган йил” сатри корхона томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги 164-сон қарори билан тасдиқланган Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш қоидаларида белгиланган ҳужжатларга мувофиқ тўлдирилади.

41. “Рентабеллик” сатри бухгалтерия ҳисоби маълумотларига асосан, корхонанинг молиявий натижаси, яъни фойда солиғини тўлашдан аввалги фойда (зарар)нинг сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг таннархига нисбати сифатида ҳисобланади.

42. Асосий (устунлик қиладиган) фаолият тури саноат бўлмаган корхоналар ҳам корхона паспортини “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш учун маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисида Низом” (Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни молиявий соғломлаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1013-сон қарорининг 1-илоvasи)га мувофиқ, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга оид бўлмаган кўрсаткичларни тўлдиради.

**ПОРЯДОК**  
**оформления типовой формы Паспорта предприятия**  
**с государственным участием, отражающего основные**  
**производственные и экономические параметры их деятельности**

Порядок оформления типовой формы паспорта предприятия с государственным участием (далее - Порядок), отражающего основные производственные и экономические параметры его деятельности (далее – паспорт предприятия) носит рекомендательный характер и предназначен для использования предприятиями с государственным участием при оформлении и представлении паспорта предприятия.

Правильное и полное оформление паспортов предприятий с государственным участием обеспечивает полное отражение основных экономических параметров их деятельности и предоставляет широкие возможности для анализа их финансово-экономического положения.

**1. Общие положения**

1. В настоящем Порядке используются следующие определения:

**предприятия с государственным участием** – юридические лица, имеющие государственную долю в уставном фонде (капитале);

**паспорт предприятия** – типовая электронная форма, содержащая основные производственно-экономические показатели деятельности предприятий, размещенная на официальных сайтах органов государственного и хозяйственного управления, а также предприятий, не входящих в их структуру, представленная в органы государственной статистики посредством сети Интернет.

2. В соответствии с “Положением о порядке предоставления информации для анализа финансово-экономического состояния предприятий с государственным участием” (Приложение №1 к Постановлению Кабинета Министров “О мерах по коренному совершенствованию системы финансового

оздоровления предприятий с государственным участием” от 14 декабря 2018 года № 1013), разработана типовая форма паспорта предприятия с государственным участием, отражающая основные производственные и экономические параметры их деятельности. Паспорт оформляется унитарными предприятиями (далее - предприятия) и ежегодно представляется в Государственный комитет по статистике Республики Узбекистан (далее - Госкомстат) в установленные сроки.

При наличии у предприятия обособленных подразделений, не имеющих статус юридического лица, паспорт оформляется с учетом данных всех обособленных подразделений, находящихся на территории Республики Узбекистан.

3. Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, в целях организации оформления и представления типовых форм паспортов предприятий, ежегодно:

а) размещает на своем официальном сайте предварительный перечень организаций (далее - Перечень), предоставленный Государственным комитетом Республики Узбекистан по содействию приватизированным предприятиям и развитию конкуренции;

б) при поступлении от органов государственного и хозяйственного управления предложений по внесению изменений и дополнений в Перечень, при необходимости, вносит изменения и не позднее 15 марта размещает на официальном сайте уточненный перечень;

в) обеспечивает предприятиям ежегодно с 15 марта по 2 апреля доступ к использованию на официальном сайте программно-технических средств по оформлению и представлению паспорта;

г) при непредставлении паспорта и/или расхождении данных паспорта и поступившей в органы статистики государственной статистической отчетности, не позднее 20 апреля информирует об этом органы государственного и хозяйственного управления, а по предприятиям, не входящим в структуру органов управления, хокимият соответствующей территории, для принятия необходимых мер.

4. Госкомстат, ежегодно до 10 мая, формирует периодическую информацию о динамике основных параметров паспортов предприятий и представляет ее для последующей аналитической работы уполномоченным государственным органам.

## **2. Рекомендации по методологии заполнения идентификационных и общеэкономических показателей типовой формы паспорта предприятия**

5. При оформлении типовой формы паспорта предприятия в строке «Наименование предприятия» указывается наименование юридического лица на государственном языке, согласно учредительным документам (при наличии сокращенного наименования, указывается сокращенное наименование).

6. В строке «Идентификационные коды» указываются следующие коды:  
ОКПО – основной код юридического лица, присвоенный регистрирующими органами юридическому лицу при автоматизированной постановке на учет в органах государственной статистики;

ИНН – идентификационный номер налогоплательщика;

ОКЭД – код основного вида деятельности (преобладающего в году, предшествовавшем оформлению (изменению) паспорта), в соответствии с Общегосударственным классификатором видов экономической деятельности.

7. В строке «Ведомственная принадлежность» указывается сокращенное наименование республиканского органа государственного или хозяйственного управления, в структуру которого входит предприятие.

8. Строка «Организационно-правовая форма предприятия (АО, ООО, ГУП)» - определяется на основе Общегосударственного классификатора организационно-правовых форм Республики Узбекистан, утвержденного Постановлением Узбекского агентства стандартизации, метрологии и сертификации от 3 сентября 2014 года № 05-568.

9. В строке «Руководитель предприятия (Ф.И.О.)» указывается полностью фамилия, имя, отчество руководителя на момент оформления (изменения) паспорта.

10. В строке «Почтовый адрес предприятия», указывается полный адрес расположения головного офиса, по которому можно обратиться лично (посетить) или отправить почтовую корреспонденцию.

11. В строке «Телефон», указывается контактный номер (стационарный или мобильный в международном формате) по которому, в случае необходимости, можно связаться с представителем предприятия.

12. В строке «Электронный адрес» указывается электронный адрес, который может быть использован для отправки сообщений предприятию заинтересованными лицами.

13. В строке «Веб-сайт» указывается адрес Интернет-ресурса, где возможно ознакомиться с информацией о предприятии. При отсутствии у предприятия собственного Веб-сайта возможно указать адрес официального сайта органа управления, если на нем имеется информация о предприятии.

14. В строке «Дата государственной регистрации» заполняется дата, указанная в свидетельстве о государственной регистрации юридического лица.

15. В строке «Обслуживающий банк» указывается сокращенное наименование обслуживающего банка, в котором предприятие имеет открытый расчетный счет на момент оформления (изменения) паспорта.

16. В строке «Размер уставного фонда (уставного капитала)» указываются последние зарегистрированные в установленном порядке изменения в учредительных документах, в млн. сумах.

17. В строке «Учредители и размер их доли в уставном фонде (уставном капитале)» указываются полные или сокращенные наименования учредителей - юридических лиц и/или фамилия и инициалы физических лиц, имеющих наибольшую долю в общем уставном фонде (до пяти учредителей).

18. В строках «Земельная площадь», «Производственная площадь» и площадь «Административного здания» указываются сведения, согласно документам земельного кадастра, включая земельные площади, сданные в аренду, а также площади, арендованные предприятием на срок более одного года.

При оформлении данных о площади под строениями для многоэтажных административных зданий указывается суммарная площадь всех этажей, к площади занимаемой производственными объектами относят суммарную площадь цехов, складов, гаражей и т.п.

19. В строке «Финансовый результат» указывается прибыль (убыток) до уплаты налога на прибыль согласно данным бухгалтерского учета за год, предшествующий оформлению (изменению) паспорта (например, при оформлении паспорта в 2021 году – за 2020 год).

20. В строке «Среднесписочная численность работников» приводятся данные о среднегодовой численности работников, определяемой согласно Положению о порядке определения среднегодовой численности работников субъектов предпринимательства (приложение к Постановлению от 17.01.2017 г. № 1-мб Госкомстата и № 3-к/к Минтруда (рег. № 2858 от 17.02.2017 г.)

При этом, целыми единицами в списочную численность включаются работники: в случаях, приведенных в статьях 11, 83, 102, 119, 150, 159, 160, 165, 229, 236, 242, 254 Трудового Кодекса Республики Узбекистан, а также в других случаях, предусмотренных законодательными и иными нормативными актами о труде.

21. Отнесение работников к показателю «административный персонал» осуществляется в соответствии с «Номенклатурой должностей управленческого, обслуживающего и технического персонала органов государственного и хозяйственного управления», утвержденной постановлением Министерства труда и социальной защиты населения и Министерства финансов Республики Узбекистан от 22 сентября 2003 года № 58 и № 116 (рег.№ 1288 от 9 декабря 2003 г.).

Показатель «производственный персонал» определяется как разность среднесписочной численности работников и средней численности административного персонала.

22. Строка «Средняя номинальная начисленная заработная плата» определяется путем деления данных о величине фонда заработной платы, начисленной работникам списочного состава на показатель численности работников, принимаемой для исчисления средней заработной платы и деление на двенадцать, даже если организация работала не полный год.

В фонд заработной платы включаются денежные суммы, начисленные к выплате в соответствии с платежными документами, по которым с работниками были произведены расчеты по заработной плате. Фонд заработной платы определяется в соответствии со статьями 371, 372, 373, 374 Налогового кодекса. При этом указанные суммы приводятся без вычета налогов и других удержаний в соответствии с законодательством.

23. Сведения, указанные в пунктах 5-8, 10-12, 14, 16-17 настоящей Порядки сопоставляются органами статистики с данными Единого государственного регистра предприятий и организаций (ЕГРПО).

Общэкономические показатели и показатели производства сопоставляются с данными годовой государственной статистической отчетности.

При наличии расхождений данных паспорта с ЕГРПО или годовыми статистическими отчетами, причины расхождений уточняются с предприятием путем направления ему электронного запроса.



### **3. Особенности оформления отдельных показателей паспорта предприятий, отражающими основные производственные и экономические параметры**

24. В строке «Производственная мощность на начало периода (по видам продукции)» указывается максимально возможный выпуск продукции при полном использовании производственного оборудования на 1 января предшествующего оформлению (изменению) паспорта года. При этом указываются все имеющиеся мощности, включая сдаваемые в аренду или предназначенные для производства промышленной продукции, используемой на данном предприятии.

Данные о мощностях по видам продукции оформляются с применением сформированной Госкомстатом «Номенклатуры промышленной продукции, по которой предлагается заполнение паспортов» (далее Номенклатура), согласно приложению №1 к настоящей методологии, в единицах измерения произведенной продукции.

При формировании Номенклатуры используются коды и наименования продукции в соответствии со Статистическим классификатором продукции (товаров, работ, услуг) по видам экономической деятельности Республики Узбекистан, утвержденным и введенным в действие Постановлением Узбекского агентства стандартизации, метрологии и сертификации от 19 января 2015 г. № 05-612.

По мощностям, находящимся в стадии освоения, показывается проектная мощность по выпуску конкретных видов продукции.

При расчете производственной мощности включается все оборудование основного производства и оборудование, установленное во вспомогательных цехах и на участках, аналогичное оборудованию основных цехов, за исключением технологически необходимого резервного оборудования, оборудования опытно-экспериментальных производств и участков, осуществляющих изготовление одного-двух опытных образцов, специализированных участков для профессионально-технического обучения.

Также при расчете производственной мощности, учитывается оборудование временно бездействующее вследствие неисправности, проведения ремонта, модернизации, недостаточной загрузки.

25. В строке «Увеличено мощностей (по видам продукции)» показывается увеличение производственных мощностей за счет ввода в действие новых, расширения, реконструкции, технического перевооружения действующих мощностей, а также проведения

организационно-технических мероприятий в году, предшествующем оформлению (изменению) паспорта.

26. В строке «Производственная мощность на конец периода» указывается максимально возможный выпуск продукции при полном использовании производственного оборудования на 31 декабря года, предшествующего оформлению (изменению) паспорта.

27. В строке «Технологический режим работы (прерывный/непрерывный)» предприятием указывается слово «непрерывный», если незапланированная остановка технологического процесса по производству преобладающей промышленной продукции может привести к порче продукции и оборудования, а также потребует восстановительных работ (например, работа плавильных печей), если процесс может быть остановлен в любой момент без ущерба для производства, указывается слово «прерывный».

28. В строке «Средняя производственная мощность (по видам продукции)» указывается расчетная величина, которая определяется путем сложения производственной мощности на начало года и среднегодового увеличения мощности и вычитания среднегодового уменьшения мощности.

Среднегодовое увеличение мощности рассчитывается путем умножения увеличения мощности по каждому из перечисленных факторов увеличения мощностей на число полных месяцев действия мощности до конца года и деления полученного результата на двенадцать.

Среднегодовое уменьшение мощности определяется путем умножения выбывающих мощностей на число полных месяцев, оставшихся до конца года с момента её выбытия, и деления полученного результата на двенадцать.

29. В строке «Средний коэффициент сменности» указывается усредненный показатель, характеризующий количество смен, отработанных каждой единицей оборудования за определенный период времени.

Данный коэффициент определяется путем деления количества станко-смен (машино-смен), отработанных во всех сменах, на количество установленных единиц оборудования.

30. Показатель «Возрастной состав машин и оборудования, задействованных в основном производстве (исходя из года выпуска оборудования)», указывается по первоначальной стоимости на конец года в процентном отношении к общей стоимости машин и оборудования по промышленной деятельности.

31. Показатель «Уровень износа машин и оборудования, задействованных в основном производстве (исходя из года выпуска оборудования)» рассчитывается как соотношение стоимости накопленного износа на конец года к первоначальной стоимости машин и оборудования на конец года по промышленной деятельности.

32. В строке «Объем производства (всего и по видам продукции)» указывается полный объем произведенной предприятием продукции в году, предшествовавшем формированию паспорта в стоимостном выражении, в фактических ценах (без учета стоимости переработанного давальческого сырья). При этом включаются:

готовая продукция, выработанная за указанный период, как из своего сырья и материалов, так и из сырья и материалов заказчика (давальческого сырья);

полуфабрикаты своей выработки, отпущенные за этот период на сторону, своему капитальному строительству и непромышленным подразделениям своей организации;

работы по изготовлению продукции (изделий) с длительным производственным циклом, производство которых в указанный период не было завершено;

работы (услуги) промышленного характера, выполненные по заказам со стороны, для своего капитального строительства и непромышленных подразделений своей организации, а также работы по модернизации и реконструкции собственного оборудования.

Данные об основных видах произведенной продукции оформляются с использованием наименований и кодов Номенклатуры, в соответствии с указанными в ней единицами измерения.

33. Показатель «Уровень загрузки мощностей (по видам продукции)» определяется как частное от деления объема производимой продукции на среднегодовую производственную мощность по выпуску данной продукции, умноженное на 100%.

34. В строке «Объем реализации» указываются данные о выручке от реализации промышленной продукции, а также работ и услуг промышленного характера, соответствующие данным бухгалтерского учета.

35. В строке «Себестоимость реализованной продукции» отражается сумма себестоимости реализованной продукции (товаров, работ и услуг).

36. В строке «Наличие сертификата менеджмента качества (код, номер)», предприятия, внедрившие систему менеджмента качества

и прошедшие установленные процедуры в соответствии с международными и страновыми стандартами, указывают код и номер полученного сертификата.

37. В строке «Объем экспорта» указываются данные о продукции (товарах, работах и услугах), произведенных предприятием и экспортированных в течение года, включая товары (работы, услуги), реализованные за иностранную валюту нерезидентам, в том числе без пересечения границы Республики Узбекистан.

38. По строке «Остатки готовой продукции на конец периода» отражается стоимость промышленной продукции собственного производства, имеющейся на складах готовой продукции или других местах хранения, в фактических ценах на конец отчетного периода (без НДС и акциза).

39. В строке «Израсходовано энергоресурсов» приводятся фактические данные об использовании предприятием за год топлива и энергии, включая расход на производственно-эксплуатационные, строительные, транспортные, коммунальные, сельскохозяйственные, культурно-бытовые и прочие нужды.

В показатели расхода включаются также производственно-технологические потери (связанные с условиями непосредственного использования топлива в технологическом процессе или преобразования его в другие виды топлива и энергии) и оформленные соответствующими актами потери и недостачи топлива у потребителей при хранении и транспортировке.

В показатели расхода не включается объем топлива или энергии, поставленный (проданный) другим предприятиям и населению, полученный со стороны без оформления соответствующих учетных документов, потери и недостачи топлива и энергии, предназначенные для торговли.

40. Строка «Год проведения последнего энергоаудита» оформляется предприятием в соответствии с документами, установленными Правилами проведения энергетических обследований и экспертиз потребителей топливно-энергетических ресурсов, утвержденными постановлением Кабинета Министров от 07 августа 2006 г. № 164.

41. Строка «Рентабельность» рассчитывается на основании данных бухгалтерского учета, как соотношение финансового результата предприятия прибыль (убыток) до уплаты налога на прибыль к себестоимости реализованной продукции (товаров, работ и услуг).

42. Предприятия с непромышленным основным (преобладающим) видом деятельности заполняют показатели, не связанные с производством промышленной продукции в соответствии с “Положением о порядке предоставления информации для анализа финансово-экономического состояния предприятий с государственным участием” (Приложение №1 к Постановлению Кабинета Министров “О мерах по коренному совершенствованию системы финансового оздоровления предприятий с государственным участием” от 14 декабря 2018 года № 1013).